

SCIENTIFIC BASIS FOR FURTHER IMPROVEMENT OF FRUIT AND VEGETABLE CLUSTER MANAGEMENT MECHANISMS IN UZBEKISTAN

Rozikov Jahongir Mustaqim ugli

Independent Researcher of Tashkent State Agrarian University. Uzbekistan.

ABSTRACT

The article contains scientifically based proposals for radical reform of public administration in the agricultural sector of Uzbekistan, the organization of clusters as a new method of fruit and vegetable growing and the development and implementation of effective management mechanisms and modern management structures.

Keywords: cluster, fruit and vegetable, management, structure, market, export, product, technology, swot analysis, resource, production, investment, privilege, infrastructure.

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини давлат томонидан бошқарувни тубдан ислоҳ қилиш, мева-сабзавот етиштиришнинг янги усули сифатида кластерларни ташкил этиш ва уларни самарали бошқариш механизлари ва замонавий бошқарув тузулмаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кластер, мева-сабзавот, бошқарув, тузулма, бозор, экспорт, маҳсулот, технология, swot-таҳлил, ресурс, ишлаб чиқариш, инвестиция, имтиёз, инфратузилма.

КИРИШ

Турли экологик инқирозлар ва турли техноген сабабларга кўра дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида мева-сабзавот ишлаб чиқариш улушининг кескин камайиб бориши кузатилмоқда. Дунё бўйича 2021 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш жаҳон бозорида 290 миллиард долларга баҳоланиб, Осиёда 880 миллион тоннага яқин сабзавот етиштирилган.

ФАО маълумотларига кўра яқин келажакда “хавфсиз истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш танқислиги кузатилиши” кузатилмоқда. Шу сабабли, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экологик тоза, сифатли маҳсулотларини етиштириш, аҳолини мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш глобал кўламда долзарб масалалардан ҳисобланади.


Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида самарали бошқарув тизимининг ташкил этилиши кластерларни ривожлантириш билан бир қаторда, соҳадаги мавжуд камчиликларни тўлиқ бартараф этади.

Айни пайтда мева-сабзавот маҳсулотларини кластер усулида етиштириш ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш ва янги иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот

ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш ва манфаатларини давлат бошқарув органларида ҳимоя қилиш борасида самарали механизмлар яратилмаган.

Булардан келиб чиқиб, тадқиқот ишимизда мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини бир соҳада бирлаштириш назарда тутилиб “Ўзбекистон мева-сабзавотчилик кластерлари” уюшмасини ташкил этиш тўғрисида илмий асосланган таклифлар ҳамда унинг ташкилий бошқарув тузилмасини ишлаб чиқдик. (1-расм)



1-расм. “Ўзбекистон мева-сабзавотчилик кластерлари” уюшмасининг бошқарув тузилмаси

Таклиф этилаётган “Ўзбекистон мева-сабзавотчилик кластерлари” уюшмасини ташкил этишдан асосий мақсади: соҳадаги тизимли муаммоларни бартараф этиш ва бошқариш, маркетинг инновацияларини фаол жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, агрокластерларнинг самарали фаолият юритишлари, юқори пировард натижаларга эришишлари, аниқ вазифаларни белгилаш ва уларнинг тарқоқ фаолиятини доимий тартибга солиш, кластер иштирокчиларининг манфаатларини уйғунлаштириш, тизимга алоқадаор кластерлар учун молиявий имкониятлар яратиш ҳамда кластер билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни замонавий механизмлар асосида амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

Қуйидагилар Уюшманинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланди:

- мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини ҳамда улар томонидан лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш;
- мева-сабзавотчилик кластерларини ҳудудларнинг салоҳияти янада ривожланиши истиқболларидан, хом ашё базаси, мавжуд инфратузилма, меҳнат ресурслари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда жойлаштиришга кўмаклашиш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш жараёнига илғор агротехнологиялар ҳамда ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мева-сабзавотчилик кластерлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг шаффоф механизмини яратиш;
- юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини кенгайтириш ҳамда мазкур жараёнларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;
- мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини ривожлантириш учун унификатсияланган имтиёз ва преференциялар қўллаш ва қўшимча тармоқ сифатида агротуризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, шунингдек, тармоққа бозор механизмларини кенг жорий қилиш;
- мева-сабзавот ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, юқори унумли инновацион технологияларни жорий этишда инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда мева-сабзавотчилик кластерларига кўмаклашиш;
- мева-сабзавот ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш ва барқарор фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Шу билан бир қаторда кластерларни бошқарув принципларини қай ҳолатда эканлиги, бошқарувдаги асосий муаммоларни келиб чиқиш сабаблари уларни бартараф этиш йўллари ҳам алоҳида тадқиқ этишни тақазо этади.

Бугунги кунда мева-сабзавотчилик кластерларини бошқарув тузилмаси ҳамда бошқарув усуллари ўрганилганда кластерларда аниқ бир тузилманинг шаклланмаганлиги бошқарув усуллари қўллашда қатор камчиликларнинг борлиги соҳага бошқарув тизими бўйича ҳам алоҳида эътибор берилиши лозимлигини кўрсатиб беради. Уюшма ва мева-сабзавотчилик кластерларини бошқарув тузилмасини жорий этилиши натижасида соҳани ривожлантириш механизми мажмуавий характерга эга бўлади.

Мева-сабзавотчилик кластерларни бошқаришда муҳим функцияларидан бири ҳисобланган режалаштиришнинг асосий ва энг муҳим босқичларидан бири


кластерларнинг мақсадларини танлашдир. Шунинг таъкидлаб ўтиш зарурки, кластерлар кўп бўғинли тизимларда кенг ифодаланган мақсадларга эга бўладилар.

Мева-сабзавотчилик кластерининг асосий, умумий мақсади унинг вазифасида белгиланади. Вазифа кластернинг вазиятини батафсил ифодалайди ҳамда ҳар бир ташкилий босқичларда мақсад ва стратегияларга эришиш йўллари белгилаб беради.

Шу боис, мева-сабзавотчилик кластерининг асосий вазифаси қуйидагиларда ифодаланиши лозим:

- Асосий Хизмат ва маҳсулотлар, бозорлар ва технологиялар нуқтаи назаридан;
- Кластерлар тузилишидаги субъектларнинг иш тамойилларини белгилайдиган ташқи муҳитнинг тузилишидаги корхоналарга бўлган нисбатидан;
- Кластерлардаги ташкилотларнинг маданияти, уларнинг ички фаолиятдан.

Кластерларнинг мақсадларига мос равишда уларнинг структураси тузилади. Ҳар бир кластер ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда структурани тузади ва структурадаги ҳар бир бўлим ва структуравий тузилмалар кластер мақсадини амалга оширишга ҳисса қўшадилар. Шу билан биргаликда, кластерларнинг самарали фаолиятини таъминлаш йўлида зарур бўлган ҳолларда кластерлар мақсадига ҳисса қўшиши мумкин бўлган янги тузилмавий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин (2-расм).



2-расм. Мева-сабзавотчилик кластерининг таклиф этилаётган бошқарув тузилмаси

Шу орқали кластерлар ўзига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олиб мустақил ёки уюшма билан ҳамкорликда бартараф этиш шароити яратилади.

Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқариш механизмини такомиллаштиришда кластерларни ташкилий-иқтисодий механизмига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Шу боисдан, кластерларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантириш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир:

- ✓ барча таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир доирасини белгилаш;
- ✓ кластерлар фаолиятини жорий ва узоқ бўлган муддатларга режалаштиришни

амалга ошириш, барча қатнашчилар ўртасидаги энг мутаносиб пропорцияларни, муносабатларни ўрнатиш. Бунда уларнинг тўла хўжалик ва ҳуқуқий мустақиллиги сақланиб қолишига эришиш;

✓ кластер таркибига кирувчи бўлинмалар ва ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш. Бунда уларнинг ҳақуқлари поймол қилинишига қўл қўймаслик, аксинча уларни ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

✓ мева-сабзавотчилик соҳасидаги кластерларни ривожланишини таъминлаш учун ўзаро самарали тақсимот муносабатларини ўрнатиш. олинган маблағларни тақсимлашда фақат кластерни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиш. Шу билан биргаликда, кластер таркибидаги иқтисодий субъектларнинг қизиқишларини ҳам инобатга олиш;

✓ мева-сабзавотчилик кластеридаги субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш. Бунда ҳар бир томоннинг қўшадиган ҳиссасини ва ривожланиш даражасини ҳисобга олиш.

Мамлакат иқтисодиётининг истиқболдаги ривожланишида мева-сабзавотчилик тармоғида кластерларнинг ижобий таъсирини ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришдаги ролини инобатга олиб, давлат бу соҳани ривожланишида ўз таъсирини ўтказиши ва зарур ҳолларда қўллаб-қувватлаши зарур. Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этилишида асосий харажатларнинг бир қисмини давлат ўз зиммасига олиши мақсадга мувофиқдир. ривожланган мамлакатларнинг бу соҳадаги фаолиятини таҳлили уларда давлат томонидан катта эътибор қаратилаётганини кўрсатмоқда.

Шу боис, ушбу мева-сабзавотчилик кластерларнинг бошқарув тузилмасини шакллантиришда фермер хўжаликларига, деҳқон ва МЧЖ хўжаликлари фаолиятини ҳамкорликда қамраб олиш ва улар билан соҳа бўйича мавжуд муаамоларни бартараф этиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, мева-сабзавотчилик кластерларининг етиштириш кўсаткичларини ошишига ва юқори иқтисодий самарадорликка эришиш билан изоҳланади.

Юқорида келтириб ўтилган мева-сабзавотчилик кластерининг бошқарув тузилмаси мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш иқлим шароитга мос навларни кўпайтиришга ҳамда аҳолини сифатли, арзон мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга хизмат қилиши белгилаб берилган.

Тадқиқотимиз объекти сифатида ўрганилаётган Бухоро вилоятидаги мева-сабзавотчилик кластерлари фаолияти юзасидан, қуйидагича хулосаларга келинди:

- Мева-Сабзавотчилик кластерларида етиштирилган маҳсулотларнинг товарлилик даражасини ошириш;

- Мева-Сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифат талабларига мувофиқ стандартлаштириш ҳамда сертификатлаш жараёнларига эътибор қаратиш;

- Мева-Сабзавотчилик кластерларида етиштирилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига ва истеъмолчига етказиш учун логистик транспорт тизимини кенг йўлга қўйиш;

- Мева-Сабзавотчилик кластерларини бошқаришда замонавий менежмент усуллари ва инновациялардан фойдаланишни тадбиқ этиш;

- Мева-Сабзавотчилик кластерларини ривожланиши ва самарадорлигини ошириш учун, энг аввало, хўжаликнинг SWOT-таҳлилини амалга ошириш лозим бўлади.

Мева-сабзавотчилик кластерларида омиллар таъсир этиш даражасига кўра, ички ва ташқи омилларга, шунингдек, олинадиган натижага кўра, ижобий ва салбий омилларга бўлинган ҳолда ўрганилди.

Бухоро вилояти мева-сабзавотчилик кластерларида ривожлантириш ва бошқаришнинг SWOT-таҳлили қуйида келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал Бухоро вилояти мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш ва бошқаришнинг SWOT-таҳлили

ИЧКИ		ТАШҚИ
S КУЧЛИ ТОМОНЛАР		О ИМКОНИЯТЛАР
ИЖОБИЙ	<ul style="list-style-type: none"> ✓ мева-сабзавотчилик кластерларини давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, ривожлантириш ислохотларини изчил давом эттириляётганлиги ва ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги; ✓ мева-сабзавотчилик кластерларини фаолиятини юритишда уларни бошқаришда давлат аралашувини босқичма-босқич камаяётганлиги; ✓ мева-сабзавотчилик кластерларида импорт ва экспорт тизимини йўлга қўйганлиги, бозор тамойиллари асосида эркин нарх сиёсатини юрғизиш имкониятининг мавжудлиги; ✓ мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш учун иқлим шароитидан келиб чиқиб кластерларни жойлаштириляётганлиги ҳамда ер ресурслари ва моддий техника базасининг мавжудлиги; ✓ соҳада ривожланган кўп тармоқли фермер хўжаликларининг мева-сабзавотчилик кластерлари билан узвийлиги йўлга қўйилганлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ хом ашёдан ёки ярим тайёр маҳсулотдан тортиб тайёр маҳсулотга қадар қиймат занжирининг яратилганлиги; ✓ маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятининг кенгаётганлиги; ✓ мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан ишлаб чиқариляётган маҳсулотларининг турлари кўплиги ва сифат жихатдан жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга эканлиги; ✓ давлат томонидан соҳага катта эътибор қаратилиб улар фаолиятини қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар, дастурлар қабул қилинаётганлиги; ✓ халқаро молия ташкилотларининг маблағларини соҳа учун йўналтириляётганлиги; ✓ пул-кредит тизимида мева-сабзавотчилик кластерлари учун банклар томонидан имтиёзли кредитлар тақдим этаётганлиги.
	W ЗАИФ ТОМОНЛАР	
САЛБИЙ	<ul style="list-style-type: none"> ✓ мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш учун зарурий иқтисодий механизмларнинг такомиллашмаганлиги; ✓ мева-сабзавотчилик кластерларини фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш тўғрисидаги Низом тасдиқланмаганлиги; ✓ мева-сабзавотчилик кластерлари ва улар билан ҳамкор фермер хўжаликларига давлат томонидан субсидиялар ажратиш механизмнинг такомиллашмаганлиги; ✓ мева-сабзавотчилик кластерлари ва ҳамкор маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги шартномавий муносабатларининг аниқ тартиби ишлаб чиқилмаганлиги; ✓ мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини ривожлантиришда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги; ✓ мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан ишлаб чиқариляётган маҳсулотларнинг ўз брендини танитиш имкониятининг пастлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ янги маҳаллий мева ва сабзавот навларини янгилаш ва кўчатчилик соҳасини ривожланмаётганлиги; ✓ хомашёнинг ҳисобига маҳсулот таннархининг ошиши ва бозор нархларининг пасайиши; ✓ ҳосилни йиғиб олишдаги йўқотишлар, қўл меҳнатидан фойдаланиш даражасининг юқорилиги, ҳосилни йиғиш техникаларини жорий қилиш такомиллаштирилмаганлиги; ✓ замонавий техникаларни сотиб олишда лизинг муносабатларини ривожланмаганлиги ва рағбатлантириш имконияти пастлиги; ✓ мева-сабзавот етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улushi юқорилиги; ✓ жаҳон бозорларида органик соф қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга бўлган талабнинг кескин ошиши.

SWOT-таҳлили орқали Бухоро вилоятида мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш, ривожлантириш ва бошқаришда нималарга эътибор қаратиш лозимлигини, аҳолини сифатли арзон мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда кластерларнинг аҳамиятини тушуниб олиш мумкин бўлади. Жумладан, мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этмоқчи бўлган талабгор давлат томонидан имтиёзлар берилганлиги қонун билан ҳимояланганлиги, ҳуқуқий асос мавжудлиги кўзлаган мақсадига эришиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлардан шундай хулоса келинадики мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш ва манфаатларини давлат бошқарув органларида ҳимоя қилиш борасида самарали механизмларни янада такомиллаштириш ҳамда кластерларнинг самарали фаолиятини таъминлаш йўлида зарур бўлган ҳолларда кластерлар мақсадига ҳисса қўшиши мумкин бўлган янги тузилмавий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин бўлиб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4575-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ҳамда мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори.
3. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. – Б. 451.
4. Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. - Т.: 2005 496 б
5. Хақимов Р., Розиков Ж.М. Бухоро вилоятида мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. // “Агро илм” Аграр иқтисодий, илмий-амалий журнали. 1-илова (72). 2020. 107-109 б. (08.00.00. №15)
6. Розиков Ж.М. Мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасининг таҳлили. // “Агроиқтисодиёт” илмий журнали. № 3-4 (21). 2021.
7. Балашова Н. Формирование кластера по производству и переработке нута//АПК: экономика и управление. - М., 2004. - С.38-41.
8. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон қонунчилиги
9. www.stat.uz – Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси
10. www.agriculture.uz – Ўзбекистон агрохборот тизими портали